

ЎЗБЕКИСТОНДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

3-ўқув курси 322-гуруҳ курсанти

Маманов Дилишод Шерзод ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

*Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқларини
таъминлаш кафедраси ўқитувчиси, майор*

Нимаитов Шерзод Ниматжонович

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида хизмат қилувчи профилактика инспекторларининг ҳуқуқий мақоми, фаолиятининг ташкилий асослари, ҳисобдорлик ва жамоатчилик назорати механизмлари атрофлича таҳлил этилган. Ҳаракатлар стратегияси, ПФ-4947 ва ПФ-6247-сон фармонлар ҳамда ПҚ-2896-сон қарор асосида профилактика инспекторларининг давлат хизматчиси сифатидаги вазифалари, очиқлик ва ҳисобдорлик талаблари, уларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ёритилган. Шунингдек, инспекторлар фаолиятида учраётган мавжуд муаммолар – ҳисобдорлик механизмларининг етарлича самарали эмаслиги, ортиқча вазифалар юкланиши, ахборот тизимларидан фойдаланишда муаммолар, самарадорликни баҳолаш мезонларининг аниқ эмаслиги каби масалалар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этишга қаратилган аниқ таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Профилактика инспектори, ички ишлар органлари, давлат хизматчиси, ҳисобдорлик, жамоатчилик назорати, ПФ-4947, ПФ-6247, ПҚ-2896, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат хавфсизлиги, шаффофлик, фуқаролар йиғини, норматив-ҳуқуқий асослар.

КИРИШ

Замонавий давлат бошқаруви тизимида ички ишлар органлари ходимлари, айниқса профилактика инспекторлари жамоат хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий бўғини сифатида муҳим ўрин тутди. Уларнинг мақоми ва фаолияти Конституция ҳамда тегишли қонунлар билан белгиланган бўлиб, давлат номидан ҳокимият ваколатларини амалга ошириш, жамоат тартибини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш вазифаларини ўз ичига олади. ПФ-4947-сон Ҳаракатлар стратегияси, ПФ-6247-сон фармон ва ПҚ-2896-сон қарорларда давлат органлари фаолиятида

очиқлик, ҳисобдорлик, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган нормалар профилактика инспекторлари фаолиятининг шаффоф ва самарали бўлишида институционал асос вазифасини ўтайди. Шу билан бирга, амалиётда ҳисобот механизмларининг тўлиқ ишламаслиги, ортқча вазифалар юкланиши, ахборот технологияларидан фойдаланишдаги камчиликлар профилактик фаолият самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу мақолада профилактика инспекторлари фаолиятининг ҳуқуқий-ташкилий асослари, ўрнига мос равишда юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари илмий таҳлил этилади ҳамда амалий таклифлар илгари сурилади.

Ички ишлар органлари ходимлари, хусусан профилактика инспекторлари фаолияти давлат хизматининг муҳим бўғини сифатида жамоат хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳал қилувчи ўрин тутаяди. Уларнинг мақоми давлат хизматчисининг умумий ҳуқуқий мақомига асосланган бўлиб, давлат номидан ҳокимият ваколатларини амалга ошириш, шу билан бирга қатъий интизом, шаффофлик ва ҳисобдорлик талабларига риоя этишни тақозо этади. Ҳаракатлар стратегияси ҳамда давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлашга оид фармонларида белгиланган очиқлик, ҳисобот бериш ва жамоатчилик назорати механизмлари профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлиги ва жамоат ишончини оширишда муҳим омил сифатида намоён бўлади. Ички ишлар органлари ходимлари, хусусан профилактика инспекторлари фаолиятининг самарадорлиги ва ҳисобдорлиги нафақат амалий, балки ҳуқуқий асос сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки уларнинг мақоми Конституция ва махсус қонунлар билан белгиланган давлат-ҳокимият ваколатларини амалга оширишга таянади. ПФ-4947 ва ПФ-6247-сон фармонларда белгиланган очиқлик, ҳисобот бериш ва жамоатчилик назорати механизмлари профилактика инспекторлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи институционал асос бўлиб хизмат қилади. Бу асослар орқали уларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги ваколатлари қонунийлик, шаффофлик ва фуқаролар олдидаги масъулият тамойиллари билан мустаҳкамланади. Давлат хизматчиси – давлат органларида мансабни эгаллаган, пул мукофоти эвазига давлат функцияларини амалга оширувчи шахс. ИИО ходимлари бу тушунчага тўғри келади, чунки улар давлат органлари (ижро этувчи ҳокимият) таркибида ишлайди ва маъмурий-сиёсий соҳаларда (ички ишлар, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш) фаолият кўрсатади.

Ички ишлар органлари давлат номидан ҳаракат қиладилар ва давлат ваколатларини амалга оширадилар (масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, маъмурий чоралар қўллаш), юридик оқибатлар келтириб чиқарувчи ҳаракатларни содир этадилар (масалан, бошқарув қарорлари қабул қилиш, жазога тортиш), фаолияти ишлаб чиқариш хусусиятига эга эмас, лекин

иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга (жамоат тартиби, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш) таъсир кўрсатади.

Ички ишлар органлари ходимлари вазифаларни муваффақиятли бажариш учун – моддий (мукофотлар), маънавий (давлат мукофотлари) ёки аралаш рағбатлантирилади. Ушбу рағбатлантиришлар меҳнат кодексига асосан, ишдаги ютуқлар учун қўлланилади. Шунингдек улар қонунга хилоф қилмиш учун – интизомий, маъмурий (МЖТК га кўра), моддий (зарар етказиш учун), жиноий жавобгарликларга ҳам тортилишлари мумкин. ҳуқуқбузарлик (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), фуқаролар ҳуқуқларини бузиш, интизом бузиш.

ИИО ходимларининг мақоми – давлат хизматчисининг умумий мақомига асосланган махсус ҳуқуқий ҳолат бўлиб, улар ижро этувчи ҳокимиятнинг маъмурий-сиёсий соҳасида фаолият кўрсатади. Улар давлат номидан ҳокимият ваколатларини амалга оширади, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилади, лекин қатъий интизом ва этика талабларига риоя қилиши керак. Бу мақом Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари (масалан, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонун) билан мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сон фармонида давлат органларининг ҳисобдорлиги бўйича юзасидан ҳам бир қанча вазифалар белгиланган. Ушбу фармон Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш мақсадида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ этиш, шаффофликни ошириш ва фуқаролар билан мулоқотни кучайтиришга қаратилган. Фармонда давлат органларининг ҳисобдорлиги (ҳисобдорилиги) асосий устуворлик сифатида белгиланган бўлиб, у стратегия ва Давлат дастурини ижро этиш, ҳисобот бериш, жамоат назорати ва мувофиқлаштириш орқали таъминланади. Бироқ, фармонда ҳисобдорлик учун аниқ жазо чоралари камдан-кам учрайди; асосий механизмлар назорат, ҳисобот ва жамоатчилик билан ижтимоий мулоқот орқали амалга оширилади. Хусусан фармонда ҳисобдорликни таъминлаш чора-тадбирлари сифатида 67-моддада ҳуқуқ-тартибни сақлаш ва назорат органлари раҳбарлари учун виртуал қабулхоналар ташкил этиш, очиқликни таъминлаш, 70-моддада давлат ва жамоат ташкилотлари веб-сайтларида "Онлайн маслаҳат" бўлимларини яратиш; ҳуқуқий маслаҳат бериш, 89-моддада ИИВ ҳужжатларининг электрон базасини яратиш; интернет орқали бепул кириш, 113-моддада ҳуқуқ-тартибни сақлаш ва назорат органлари устидан жамоат назоратини кучайтириш; фуқароларга маълумот бериш; оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик каби масалалар белгиланган. Фармонда давлат органларининг ҳисобдорлиги стратегияни ижро этиш ва фуқаролар билан мулоқот орқали кучайтирилади, лекин аниқ жазо механизмлари кам. Бу чоралар шаффофликни ошириш ва бюрократияни камайитиришга хизмат қилади, бироқ

ижро этиш самарадорлигини баҳолаш учун қўшимча нормалар зарур.

Ўзбекистон Республикасининг 16.06.2021 йилдаги «Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6247 сон фармони¹ мавжуд бўлиб, мазкур фармонда давлат органлари фаолияти самарадорлиги ва ҳисобдорлиги бўйича белгиланган асосий тартиб ва талаблар тўғрисидаги муҳим маълумотлар — яъни, қандай ҳужжатлар, очиқлик, ҳисобдорлик, жамоатчилик назорати механизмларини ўз ичига олган. Ушбу фармон “давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш” мақсадида қабул қилинган. Фармонда давлат органлари томонидан очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхати берилган. Унга кўра ҳар йили — 1 мартга қадар — ҳар бир орган ўз фаолиятига оид ҳисоботни (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) расмий веб-сайтида жойлаштирилиши, ва 10 мартга қадар жамоатчилик иштирокида муҳокама жойи ва вақти тўғрисида эълон бериши керак. Бу ҳужжат орқали давлат органлари фаолиятида шаффофлик, ҳисобдорлик ва жамоатчилик назоратини кенг йўлга қўйиш мақсад қилинган. Шу билан бирга, бу — институционал механизм: давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларда очиқликни таъминлаш, коррупция хавфини камайтириш ва фуқароларни давлат фаолиятига жалб қилишни рағбатлантириш масалалари қайд этилган.

Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун² 2-моддасида, ички ишлар органлари ваколати доирасида қуйидаги асосий вазифалар белгиланган бўлиб, ушбу вазифалар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида иборат. Шу билан бирга, қонунда ички ишлар органлари фаолиятида қонун устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, очиқлик (шаффофлик), бошқа органлар билан ҳамкорлик, замонавий технологиялар ва ахборот тизимларидан фойдаланиш каби принциплар белгиланган. Шунингдек Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш

¹ <https://lex.uz/docs/5459107>

² <https://lex.uz/docs/3027843?ONDATE=14.03.2024/Ўзбекистон> Республикаси Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонуни

ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, маъмурий жазоларни қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш, қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишларда иштирок этиш кабилар белгиланган. Қонунда “профилактика инспектори” лавозими номинал равишда махсус моддада алоҳида тавсифланмаган, аммо ҳудудий ички ишлар органлари ва уларнинг билан боғлиқ тузилмаларнинг вазифалари ва ички таркиб йўналишлари муҳокама қилинган.³ Шундай бўлса-да, сўнгги ўзгаришлар ва амалий нисбатда “профилактика инспекторлари”нинг мақоми ва вазифалари қуйидагича шакллангани маълум:

-“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” — ички ишлар органларининг фаолият йўналишларидан бири. Профилактика инспектори бириктирилган ҳудуд (махалла, туман жамоаси ва бошқа) учун жамоат тартиби, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш нуқтаи назаридан жавобгар. Қонуннинг 15-модда ва 15¹-моддадан келиб чиқиб, профилактика инспектори лавозими ва мақоми ҳақида аниқ тушунчалар бериш мумкин. Тузилмавий мақом сифатида профилактика инспектори ички ишлар органларининг таянч пунктлари ва маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари таркибида фаолият юритади. У ички ишлар органлари тизимида жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича махсус лавозим ҳисобланади. Улар лавозимга халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори билан тасдиқланади. Бу инспектор ҳудудий (махалла, қишлоқ, овул) даражада жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва профилактик чораларни амалга ошириш учун масъул шахс сифатида қаралади. Профилактика инспектори фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади. Бу унинг лавозимий вазифалари ва жавобгарлиги очиқ ва назоратли эканлигини кўрсатади. Уларнинг функционал мақоми ва вазифалари бўлиб, ҳудуддаги жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини бевосита амалга ошириш, профилактика катта инспектори ва ёрдамчилари билан биргаликда профилактик фаолиятни ташкил этиш ва маҳалла, қишлоқ ва овуллардаги аҳоли билан яқин алоқа қилиш, “қриминоген ҳолат” ва ҳуқуқбузарликка мойил шахсларни аниқлаш, ички ишлар органлари, жамоат тузилмалари ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорлик қилиш ҳисобланади. Шунингдек профилактика инспектори бириктирилган ҳудуд (махалла, овул, қишлоқ) учун асосий жавобгар шахс ҳисобланади. Ушбу лавозим нафақат ҳуқуқбузарликка қарши кураш, балки профилактика ва ижтимоий тарбия вазифаларини ҳам ўз ичига олади. Умумий олганда профилактика инспектори — ички ишлар органларининг таянч

³ <https://kun.uz/kr/56432773?utm>

пунктлари ва маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларида жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика фаолиятини амалга оширишда асосий шахс ҳисобланади. Лавозимга маҳаллий кенгаш қарори билан тайинланади ва ўз фаолияти учун ҳисобот беради. Бундан ташқари 13¹-моддадан келиб чиқиб, профилактика инспекторлари фаолиятининг ҳисобдорлиги қуйидагича тушунтириш мумкин⁴. Профилактика инспекторлари ҳудуддаги жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳар олти ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади. Бу уларнинг лавозимий мажбурияти ва фаолият устидан назорат механизмидир. Ҳисобдорлик мақсади Профилактика инспектори жамоат тартиби ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширган чора-тадбирлари, фаолиятининг натижалари ва самарадорлигини очиқ равишда тақдим қилади. Бу ҳисоботлар орқали уларнинг фаолияти танқидий жиҳатдан таҳлил қилинади, самарадорлиги баҳоланади ва лавозимдаги фаолиятга бағишланган тавсиялар қабул қилинади. Ҳисобот эшитиш жараёнида қуйидагилар таклиф этилиши мумкин:

- ҳудудда жойлашган бошқа давлат органлари;
- фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари;
- корхоналар, муассасалар, ташкилотлар;

-нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари ва бошқа шахслар. Бу ҳисобдорликнинг очиқ ва шаффоф шаклда амалга оширилишини таъминлайди. Профилактика инспектори ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган фаолиятни тақдим қилади, уларнинг натижаларини таҳлил қилади, зарур ҳолларда лавозимдаги самарадорлиги ва мувофиқлиги тўғрисида фикр ва тавсияларни қабул қилишга тайёр туриши керак. Профилактика инспектори лавозимидаги ҳисобдорлик — бу унинг ҳудуддаги профилактика ва жамоат хавфсизлиги фаолияти учун ҳар олти ойда халқ депутатлари Кенгашларига ҳисобот тақдим этиш, фаолиятнинг самарадорлиги танқидий баҳоланиши ва зарур тавсиялар берилиши билан таъминланадиган жараён.

2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сон “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ Ички ишлар вазирининг буйруғи (2017 йил 13 сентябрь) билан Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини

⁴ Нигмаитов, Шерзод Нигматжонович. "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ ВА ШАФФОФ ҲИСОБДОРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ-ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ." Лучшие интеллектуальные исследования 58.1 (2025): 236-253.

фуқаролар йиғинларида эшитиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган.⁵ Хужжатга кўра, профилактика инспекторлари ўзларига бириктирилган ҳудуд бўйича тегишли фуқаролар йиғинларида ҳар ой якуни бўйича ҳисобот беради. Йиғин ўтказилишидан 3 кун олдин бу ҳақда фуқаролар йиғинида кўринарли жойга эълон осиб қўйилади ҳамда аҳолига етказиш чоралари кўрилади. Профилактика инспектори фаолиятига аҳоли томонидан ҳаққоний баҳо берилишини таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғини раиси ҳудуддаги уйлар аҳолиси (уларнинг вакиллари) қатнашишини таъминлайди. Йиғинга фуқароларни турли сабаблар билан қатнашишини тақиқлашга йўл қўйилмайди. Профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиш якунларига кўра улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилатган чоралар ва иш натижалари танқидий муҳокама қилинади, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилади, шунингдек эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинади ҳамда ички ишлар органи бошлиғига тақдим этилади. Фуқаролар йиғини унда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир. Фуқаролар йиғинини чақиришнинг имкони бўлмаганда фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади. Фуқаролар вакилларининг йиғилиши, агар унда фуқаролар вакилларининг камида 2/3 қисми қатнашса, ваколатлидир. Фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) қарор унда қатнашганларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда йиғинни (йиғилишни) олиб борувчи масъулларнинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.⁶

ПҚ-2896-сонли қарор ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш (олдини олиш) бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирларини белгилайди. Қарорнинг асосий мазмуни ва вазифалари қуйидагича:

-Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини такомиллаштирилди ҳар бир поғонада (республика, вилоят, туман) профилактика бўлинмалари вазифалари, функциялари ва жавобгарлиги аниқ белгиланади. Профилактика инспекторларига ўз фаолиятига тегишли бўлмаган вазифалар юкланмайдиган бўлди.

-Ҳамкорлик кучайтирилди профилактика иши аҳоли, маҳалла, фуқаролик жамияти ва бошқа институтлар билан яқин ҳамкорликда олиб борилади. Бош мақсад – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамиятда қонунга ҳурматни юксалтириш сифатида белгиланди.

Ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича янгича ёндошув

⁵ <https://kun.uz/kr/12877601#!>

⁶ https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/profilaktika_inspektorlari_aholi_oldida_qanday_hisobot_beradi

белгиланди, ёш авлодни ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни терроризм, диний экстремизм ва зўравонлик ғояларидан ҳимоя қилиш асосий вазифа этиб белгиланди

-Профилактика инспекторларининг шахсий жавобгарлиги оширилди бунда ўз вазифаларини талаб даражасида бажаришлари учун инспекторлар шахсан жавобгар бўладиган бўлди, жамоатчилик олдида ҳисобот бериш тартиби жорий этилди, уларнинг фаолият самарадорлигини баҳолаш жамоатчилик фикри, аҳоли розилиги ва ҳамкорлик даражаси асосида баҳоланадиган бўлди.

-Замонавий технологиялар ва шароитлар ташкил этилди ва бу билан улар фаолиятида ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши, профилактика инспекторларининг билим ва малакалари ошириладиган бўлди.

Умумий маънода мазкур қарорда профилактика инспекторлари ишларини такомиллаштиришнинг энг асосий мақсади — ҳукукбузарлик содир этилгунга қадар унинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш экани қайд этилган. Фаолиятнинг самарали ташкил этилиши натижасида жиноятлар динамикаси барқарорлашади, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳукукбузарликлар камаяди, жамоат хавфсизлиги юқори даражада таъминланади. Бу эса профилактика инспекторларининг ҳар бир маҳаллада доимий ҳузурини таъминлаш ва хизмат сифатини ошириш орқали амалга ошади. Қарорда белгиланган ҳар ойлик ҳисоботлар тизими профилактика инспекторларининг масъулиятини ошириш билан бирга:

-фуқароларнинг ҳукукбузарликлар профилактикасидаги иштирокини кучайтиради;

-аҳоли муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этиш имконини беради;

-жамоатчилик фикри асосида хизмат сифатини баҳолаш механизмларини шакллантиради. Бу эса профилактика инспектори ва аҳоли ўртасидаги ишончни мустаҳкамлайди. Ёш авлодни турли ёт ғоялардан, зўравонлик ва экстремизмдан ҳимоя қилишда профилактика инспекторларининг фаолияти муҳим ҳисобланади. Фаолиятни такомиллаштириш натижасида таълим муассасалари ва маҳалла билан ҳамкорлик кучаяди, хавф гуруҳига кирувчи ёшлар билан индивидуал профилактика самарали ташкил этилади, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган чоралар кучайтирилади. Қарор профилактика инспекторларини замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш, малакасини ошириш, хизмат шароитларини яхшилаш, каби чоралар орқали уларнинг касбий фаолиятини янги босқичга олиб чиқишни назарда тутади. Шунингдек, фаолият натижадорлигига кўра моддий рағбатлантириш механизми самарадорликни янада оширади. Қарор билан маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик яхшиланади. Профилактика инспекторларини маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар ва

ёшлар ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, таълим ва тиббиёт муассасалари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга ва ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этишга хизмат қилади. Қарор асосида таянч пунктларининг қайта тузилиши, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда инспекторларни хизмат турар жойи билан таъминлаш хизмат самарадорлигини оширади, ҳудуднинг криминоген вазиятини аниқ мониторинг қилиш имконини яратади, профилактик ишларни тизимли ва узлуксиз ташкил этишга хизмат қилади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 6 сентябрдаги 193-сон буйруғи ҳамда унга илова қилинган “Профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшитиш тартиби тўғрисида” ги Низом тасдиқланган бўлиб, мазкур буйруқнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган. У билан фуқаролар йиғинларида профилактика инспекторларининг ҳисобот бериш тартиби белгилаб қўйилган. Низомнинг асосий мазмунини таҳлил қиладиган бўлсак, низом профилактика инспекторларининг ҳар ойлик ҳисоботини: фуқаролар йиғинида, очик тарзда, аҳолининг иштироки билан эшитиш ва баҳолаш тартибини белгилайди. Низомга асосан профилактика инспектори қуйидаги йўналишлар бўйича ҳисобот беради:

1. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишида жамоат тартибини сақлаш, хавфсиз муҳит яратиш, криминоген вазиятни таҳлил қилишда;

2. Аҳоли билан ишлаш йўналишида ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, зўравонликдан жабрланганларга ҳимоя ордери бериш ва назорат, тарбиявий, маърифий профилактик ишларни олиб боришда;

3. Маъмурий ва назорат функциялари йўналишида паспорт режими устидан назорат, пробация остида турган шахсларни кузатиш, Ўзбекистандан узоқ муддатга чиққан шахслар ҳисоби;

Мазкур буйруқ ва низом жинойтлар профилактикасида маҳалла ва ИИО ўртасидаги муносабатни кучайтирувчи асосий норматив ҳужжат бўлиб, фуқаролар йиғинида очик ҳисобот бериш амалиётини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади, профилактика инспекторларининг фаолиятини жамоатчилик назоратига очади, бу эса фаолиятнинг шаффофлиги ва самарадорлигини оширади.

Профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлиги ва ҳисобдорлигида ҳозирда учраши мумкин бўлган асосий муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича қисқа таклифлар тизимли равишда баён этиш лозим:

Амалда учраётган муаммолар

1) Ҳисобдорлик механизмларининг тўлиқ ишламаслиги:

-ҳар ойлик ва ярим йиллик ҳисоботлар бор, аммо уларнинг асосида аниқ хулосалар, чоралар ва баҳолар амалда ҳар доим ҳам қабул қилинмайди, жамоатчилик иштирокининг реал таъсири паст — айрим маҳаллаларда йиғилишлар формал тарзда ўтказилади;

2) Инспекторларга ортиқча вазифалар юкланиши:

-ПҚ-2896 қарорида нохусусий вазифаларни юклаш таъқиқланган бўлса-да, амалиётда профилактика инспекторлари турли хўжалик, маъмурий ва статистик ишларга тортилади. Натижада профилактик ишга сарфланиши керак бўлган вақт камаяди.

4) Ахборот тизимлари ва технологиялар имкониятларидан етарлича фойдаланилмаслик:

-қонун ва қарорларда АКТдан фойдаланиш белгиланган бўлса-да, амалда айрим ҳудудларда техник таъминот ёмон, базалар интеграция қилинмаган.

5) Самарадорликни баҳолаш мезонларининг аниқ эмаслиги:

-ҳозирги мезонлар кўпроқ статистикага (жиноятлар сони) таянади. Жамоат розилиги, профилактика сифати, хавф гуруҳи билан ишлаш самарадорлиги каби кўрсаткичлар тўлиқ ҳисобга олинмаяпти.

Муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар

1) Ҳисобдорлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш:

-ҳар ойлик ҳисоботларни видеоконференция орқали ҳам жонли эфирда берилиши. Инспектор фаолияти юзасидан аҳоли рейтинги ва онлайн баҳолаш тизимини жорий қилиш. Маҳалла кенгашлари томонидан ҳисобот натижалари асосида ҳақиқий таъсирга эга тавсиялар бериш;

2) Ортиқча вазифаларни тўлиқ бекор қилиш:

-профилактика инспекторларининг функционал картаси (вазифа чекловлари)ни ҳар бир туманда электрон тарзда жорий этиш. Инспекторни хўжалик ёки норежавий вазифаларга жалб этган мансабдорларга интизомий чоралар белгилаш.

Хулоса қилиб айтганда профилактика инспекторлари давлат хизматининг энг муҳим бўғини бўлиб, уларнинг самарадорлиги жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига бевосита таъсир кўрсатади. Ҳозирги муаммоларни ҳал этиш учун ҳисобдорликни кучайтириш, ортиқча вазифаларни қисқартириш, АКТни кенг жорий этиш, аҳоли билан самарали мулоқот ва KPI асосида реал, адолатли баҳолаш тизимини жорий этиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев. (2020). ПФ–5948-сон Фармони. Президент расмий веб-сайти: <https://president.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун (2017 йил 16 сентябрь). <https://lex.uz/docs/3027843>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни (2014 йил 14 май). <https://lex.uz/docs/2387357>
4. Нигмаитов, Шерзод Нигматжонович. "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ ВА ШАФФОФ ҲИСОБДОРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ-ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ." Лучшие интеллектуальные исследования 58.1 (2025): 236-253.
5. Шавкат Мирзиёев: “Битта бўлса ҳам боламиз йўқолса, биз бефарқ бўла олмаймиз”. Хабар.uz. <https://xabar.uz/siyosat/shavkat-mirziyoyev-bitta-bolsa-ham>
6. Kun.uz сайтидан мақола. <https://kun.uz/kr/56432773>
7. Accountability — Wikipedia. <https://en.wikipedia.org/wiki/Accountability>
8. ПФ-6247-сон фармони — «Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар» даъво-новчи ҳужжат.
9. Профилактика инспекторлари аҳоли олдида қандай ҳисобот беради? — Kun.uz веб-сайтда 2017 йил 25 сентябрда эълон қилинган мақола.
10. Профилактика инспекторлари аҳоли олдида қандай ҳисобот беради? (NORMA.UZ) — 2017 йил 25 сентябр даталик, NORMA.UZ интернет-бази-даги мақола.